



Савол:

Ассалому алайкум. Сизларга бир савол билан мурожаат қилмоқчи эдим, саволим қуйидагича:

Агарда икки балоғат ёшига етган йигит ва қызы бир-бирини яхши күриб, уларда никоҳ бўлмаса ва у қызы 2 ойдан кейин бошқа бир йигитта тегаётган бўлса, у қызы билан йигит тўйдан кейин бошқа учраша олмаслигини билиб бир бирларига яқинлашсалар, яқинлашишда ҳам жинсий алоқагача бормасалар бу зино ҳисобланадими? Илтимос шу саволимга тўлиқ жавоб берсангиз. Тўғрисини айтганда бу ишларни ўйламасдан қилиб қўйибман қизга мени олдимга кел яқинда тўйинг бўлади кейин учраша олмаймиз деб шу ишни қилиб қўйдим лекин жинсий алоқада бўлмадик. Бундан энди жудаям афсусдаман. Виждоним қийналяпти бу нима ҳисобланади ва бу ишимни қанақа қилиб ювсам бўлади. Жавобингизни кутиб қоламан.

Жавоб:

Ва алайкум ассалам

Зино фақат жинсий алоқага боғлиқ эмас, ҳар бир аъзонинг ўз зиноси бор. Кўзнинг зиноси қараш, қўлники ушлаш, оёқники юриб бориш, лабники ўпиш ва ҳоказо.. Сиз буларнинг ҳаммасизни қилганга ухшайсиз, Аллоҳга ҳамд бўлсинки энг каттасидан сизни саклабди.

Бегона, никоҳида бўлмаган қизни ушлаш у ёкда турсин унга шаҳват билан қараш ҳам ҳаром. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Кўзнинг зиноси қараш” ва “сизларнинг бирингизнинг бошига бигиз билан урилиши ўзига ҳалол бўлмаган аёлга қўл



тегизишидан яхшироқдир” Яъни бошига бигиз суқилиши енгилроқ. Ва “эр киши бегона аёл билан хилватда қолмасин учинчилари шайтон бўлади” деганлар.

Сиз бу ишни қилибсиз, гапингизга қараганда бундан пушаймонсиз. Бу гуноҳдан тавба, унга қайтмасликка азм қилинг ва уни бировларга айтманг. Намозни тўла-тўкис суннатга мувофиқ ўқишига ҳаракат қилинг, шунда гуноҳингиз ювилади. Саҳобалардан бири бир бегона аёлга сиз каби ишларни қилиб қўйиб, кейин пушаймон бўлиб намоз ўқилгандан кейин пайғамбаримиз хузурига келади.

Шунда **“Яхшиликлар ёмомликларни кетказади..”** ояти нозил бўлади. Пайғамбаримиз ундан ҳозиргина биз билан намоз ўқимадингми? — деб сўрайдилар. У: ҳа, дейди. (яъни намоз унинг қилган гуноҳини кетказган бўлади) шунда саҳобалар бу ҳукм унинг ўзигами? деб сўрашганида, балки ҳамма учун деб жавоб бердилар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсангиз, сиз қилган иш зино эмас балки гуноҳ кабира ҳисобланади. У Намозни тўкис адо этиш билан ювилади. Аммо шариатда жазоси белгиланган зинода жинсий алоқа бўлиши шарт.

Ибодатларда астойдил бўлинг ва гуноҳлардан четланинг!